

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## Инвестициялар ва қурилиш

2016 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 398187,0 млн. сўм миқдоридан инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 183,9 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	Жами инвестициялар, млрд.сўм	жамига нисбатан фоиз ҳисобида шу жумладан молиялаштириш манбаалари бўйича					
		Республика бюджети	корхоналар ва аҳоли-маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари
<b>Жами</b>	<b>398,2</b>	<b>6,0</b>	<b>52,9</b>	<b>6,0</b>	<b>2,2</b>	<b>0,2</b>	<b>32,7</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	116,3	7,6	69,0	14,6	0,7	0,8	7,3
нодавлат	281,9	5,4	46,2	2,5	2,9	-	43,0


Иқтисодийнинг айрим тармоқларида инвестицияларни ўзлаштириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

инвестициялар технологик структурасининг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2015 йил  
январь-март



2016 йил  
январь-март



- Қурилиш ва монтаж ишлари
- Машина, дастгоҳ ва жиҳозлар
- Бошқалар

Иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбаалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2016 йил январь-март		Маълумот учун: 2015 йил январь-март умумий ҳажмига нисбатан фоизда
	млн. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами</b>	<b>398187,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>326621,4</b>	<b>82,0</b>	<b>54,7</b>
Саноат	225543,0	56,6	35,3
шу жумладан:			
ёқилғи-энергетика	3231,5	1,4	1,2
металлургия	72741,2	32,3	27,3
кимё ва нефт-кимё саноати	129504,9	57,4	1,3
машинасозлик	3884,7	1,7	1,3
енгил саноат	2968,1	1,3	3,6
озиқ-овқат саноати	1189,6	0,5	0,2

	2016 йил январь-март		Маълумот учун: 2015 йил январь-март умумий ҳажмига нисбатан фоизда
	млн. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
қурилиш материаллари	1140,9	0,5	0,4
Қишлоқ хўжалиги	32936,7	8,3	5,6
Қурилиш	5249,1	1,3	1,2
Транспорт ва алоқа	49863,8	12,5	1,3
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	13028,8	3,3	11,3
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>71565,6</b>	<b>18,0</b>	<b>45,3</b>
уй-жой қурилиш	47680,2	12,0	25,5
коммунал хўжалик	3385,7	0,9	5,2
соғлиқни сақлаш	5693,2	1,4	3,3
таълим	3165,8	0,8	5,1
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	11640,7	2,9	6,2

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 326621,4 млн. сўми ёки 82,0 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига 71565,6 млн. сўм ёки 18,0 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 47680,2 млн. сўм ёки 66,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2015 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 73,7 минг кв.м. бўлган 395 та уй-жой (ўтган йилга нисбатан 93,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 48,3 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан 86,0 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 2778,6 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,9 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар объектларини қуриш ва қайта таъмирлашда 5693,2 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 8,0 фоизини ташкил этди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ўзлаштирилган 2762,0 млн. сўм инвестициялар ёки умумий ҳажмининг 100,0 фоизи республика бюджети маблағлари ҳисобига тўғри келади.

**Қурилиш фаолияти.** 2016 йилнинг январь-мартда 257502,3 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 110,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,1 фоизи янги қурилиш корхоналарини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 23,9 фоизи капитал ва жорий таъмирлаш ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 211747,6 млн. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 82,2 фоизни (2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 111,1 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

